

346577

Зебунисо БЎРИЕВА

Муважжид  
Зебунисо



84 (54)7

Зебунисо БЎРИЕВА




# БИЗНИ СОФИТИРГАН САНОБАР



*(Хушовоз хонанда Санобар Раҳмонова  
санъатининг сеҳри ҳақида)*

*2000*



«KAMALAK»  
нашриёти

**УЎК: 821.161.4**  
**КБК 84(5Ў)7**  
**Б99**

**Бўриева З «Бизни соғинтирган Санобар» Бўриева З./**  
**Тошкент, "Kamalak-PRESS" - 2014**  
**40 бет.**

Ушбу китоб андижонлик хушовоз хонанда Санобар Раҳмонованинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланади. Унда санъаткорнинг ёшлик йиллари, санъатга кириб келиши ва кейинги йилларда санъат соҳасидаги изланишлари ҳақида сўз юритилади.

Шунингдек, хонанданинг илк ижро этган айрим қўшиқлари ҳам бу тўпلامдан жой олган. Уйлаймизки, албатта, бу тўплам сиз азиз санъат ихлосмандларига манзур бўлади.

**УЎК: 821.161.4**  
**КБК 84(5Ў)7**

**ISBN: 978-9943-437-24-1**



© Бўриева З  
© "Kamalak-PRESS" - 2014

## АНДИЖОНИМ – ГЎЗАЛ ШАҲРИМ

### Муסיқа - миллий маданиятимиз кўзгуси

Маълумки, ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб, ўзбек кўшиқчилики санъатида шахдам изланишлар, ўзгаришлар ва ривожланишлар палласи бошланди. Ана шу йилларда қатор ёш ва навқирон ижодкорларнинг овозлари баралла янграй бошлади.

Боғларда гул, чечак шу боғларда,  
Завқингган жўш, юрак шу чоғларда...  
Шодлан, кўнгил, куйла булбул,  
Куйла булбул, куйла.  
Ёшлик, гўзал, гўё ғазал  
Нур тўла ҳаёт, кўшиқда зўр қанот ...

1970-1974 йиллар ўртасида кўшиқ саҳнасида пайдо бўлган хушовоз хонанда Санобар Раҳмонова ана шундай ёшлардан биридир.

Кўшиқ - кўнгил овутиш воситаси эмас, кишини фикрлатадиган, эстетик тарбия берадиган, яхшиликка, саховатга ундайдиган мўъжиза, демак, халқимизга, айниқса, ёшларга кўлаб яхши мўъжизавий кўшиқлар керак.  
**Санъат Рўзиматов (муסיқашунос)**

Андижон - ажойиб санъаткорлар юрти. Айниқса, кўшиқчиликда, кўшиқ айтганда ҳам мағрур жўшиб куйлайди. Ўз ижро услуби, ўз овози ва катта истеъдодига эга бўлган кўшиқчилар бор бу юртда.

Фаттоҳхон Мамадалиев, Шерали Жўраев, Ҳалимжон Жўраев, Илҳом Жўраев, Муножот Йўлчиева, Ҳуррият Исроилова, ака-ука Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар, Санобар Раҳмонова, Нодирахон Мамадалиева ва Озодбек Назарбеков...

Менинг назаримда Андижон қўшиқчиларида сохталик, зўрма-зўракилик йўқ. Улар ўзига ишонади. Ўзида бор истеъдодини тинимсиз изланиб, меҳнат, машаққат орқали юзага чиқаради, маҳоратини бекаму - кўст намоён этади. Санъаткор бўлиш осон нарса эмас. Унинг ортида қанча машаққат ва меҳнат ётади. Андижонлик қўшиқчилар ана шунақа фидойи ва заҳматкаш қўшиқчилар. Уларга қуруқ ҳавас, иштиёқ ва қизиқиш ёт нарса. Улар бу касбга садоқат билан ёндошиб, катта мақсад сари интилиб, юксак довонларни забт этадилар.

Санобар Раҳмонова - Андижонлик бетакрор овоз ва истеъдод соҳибаси. Қўшиқчиликда ўзбек халқининг фахрига айланган ноёб овоз эгаси ҳамдир. Санъат шинавандаларининг илгари ҳам, ҳозир ҳам Санобар Раҳмонова ижодига қизиқишлари кучли. Уни мухлислари ҳамон ва ҳамиша севиб тинглайди, соғиниб яшайди.

Ўзбекистонимизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларида унинг овози кириб бормаган хонадон йўқ. Ҳатто унинг илк қўшиқлари ёзилган грампластинкаларни кўз қорачиғидек асраб, завқ билан тинглаб, ҳалигача таъсирланадиган, унга қайта-қайта, минг-минг тасаннолар айтадиган қанча-қанча мухлислари бор.

*Меҳнат билан ойдин йўлингиз,*

*Ишда толмас олтин қўлингиз.*

*Доим шундай чевар бўлингиз,*

*Опажонлар ассалом ...*

Бу овозни лоқайд тинглаш мумкинми?!

Табиат ҳамиша қуёшдан баҳра олганидек, инсонлар яхши санъатдан баҳра олади, ҳордиқ чиқаради.

Санобар Раҳмонова санъати менимча, ўта ҳузурбахш санъатдир. Ўн уч ёшли ўқувчи қизнинг қўшиқ айтишдаги бенуқсон маҳорати ва жарангдор шўх овози - бу мислсиз ютуқ эди ўшанда. Ҳали махсус мусиқа сабоғини олмаган ёш қизнинг жўшқин ижро маҳорати ҳақимиз учун - фавқулодда ҳаяжонли янгилик бўлди, десам янглишмасам керак.

*Андижоним, гўзал шаҳрим,  
Гуларга консан.  
Шўх йигитлар, барно қизлар  
Ҳурларга консан...*

2013 йил 2 феврал. Оғир чарчоқлар, тинимсиз руҳий ҳорғинликдан сўнг ўзимни андак хушнуд этиш ниятида кўшни Андижон вилоятига йўл олдим. У ерда мени Қайрағоч ва Мўдай каби баҳаво ва кўркам қишлоқлар ўзига чорлар эди. Андижон — гўзал ва обод маскан. Довруғи ўзгача. Улуғ шоҳ ва шоир бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур юрти. Андижон десак, албатта, Бобур ёдга тушади. Андижон - шу билан бирга ўта истеъдодли санъаткорлар, ҳофизлар, шоир ва ёзувчилар макони.

Халқимизни дилрабо кўшиқлари билан ўзига ром этиб келаётган ва келган Фаттоҳхон Мамадалиев, Нуриддин Ҳамроқулов, ака-ука Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар, кўшиқчи ва бастакор Фуломжон Ҳожиқулов, Шерали Жўраев, Илҳомжон Жўраев, Муножот Йўлчиева, Санобар Раҳмонова, Эркин Комилов, Ҳуррият Исроилова, Озодбек Назарбековлар, шунингдек, истеъдодли шоир Муҳаммад Юсуфлар шу юртда туғилиб ўсган. Улар гўзал Андижоннинг сермева боғлари-ю, сой-жилғаларида, сўлим қир-адирларда майин елларнинг оромбахш эпкинларидан баҳра олиб улғайишган.

Санобар Раҳмонова санъати ҳамон бизни ўзига мафтун этиб келади. Мухлислари кўшиқларини ҳамон соғинади. Илк унинг қўнғироқдай овозини эшитганимда, олти ёшли қизалоқ эдим. Унинг "Ёшлигим" ва "Устозлар" кўшиғи радиодан кўпроқ берилар, биз эса унга кўшилиб куйлардик.

*Ёшлигим, кел, куйга тўлган  
Қалбим олтин сози бўл.  
Мен кўшиқ айтай, тўлиб бир-  
Лаҳза жўр овози бўл.*

Қўшиқлар, қўшиқлар — улар ҳаётимиз мазмуни. Гўё ёқимли шаббодадек умр бўйи теграмизда айланиб, дилларимизга ором бағишлайди, гоҳи кўнглимизни завқ-шавққа тўлдиради. Айниқса, биз ўзбеклар куй-оҳангсиз, қўшиқсиз яшай оламизми? Энг содда ўзбек хонадонига бир кириб кўринг, албатта ё доира, ё дутор, ё ғижжак, ё най, ё рубоб, ё тор ёки танбурга дуч келасиз. Бу нарса албатта, санъатнинг сеҳрли кучидандир.

Санобар Раҳмонова жуда эрта санъатга ошно бўлди. Тўғрироғи, оиладаги етти қиз орасида у туғма қўшиқчи бўлиб дунёга келган эди. Чунки 13 ёшли қизалоқнинг айтган қўшиқларни сиз ҳам қайлардандир топиб, бир тингланг-а. Шундай куйлаганки, шундай куйлаганки! Бор вужуди жўшқинликка айланганди, унинг. Болаликка хос завқ-шавқ!

Мусиқа оламининг сирларини ўрганиш ва талаб даражасидаги санъаткор бўлиш учун инсон йиллаб ўқиши ва меҳнат қилиши керак. Ўзидаги истеъдодини шакллантириб юзага чиқариши керак. Ёш ва назокатли қизча Санобарда уларнинг бариси етарли эди, чамамда. Биз "қўнғироқдай овози бор" деган гапни кўп эшитамиз. Шу "қўнғироқдай жарангдор овоз"ни мен илк бор, Санобар Раҳмоновадан эшитдим. У бетакрор, "чақноқ" овоз билан жўшиб куйлади ва халқимиз орасида "Куйла, Санобар!" бўлиб танилди. Бу 1973-1974 йиллар эди. Ўша йилларда санъатсевар мухлислар "Санобар" эмас, "анови, Куйла, Санобар" чикди, деб севинишар ва бир-бириникига телевизор кўришга югуришар эди. Ўша йиллари унинг бетакрор ижрочилик маҳорати катта-кичикни баравар мафтун этди. Хонанданинг "Ёшлигим гўзал" қўшиғи янграганда, ёшлар завқланиб, рақсга тушиб кетишарди.

*Истиқбол нашъаси шу кўзларга бор,  
Бир ғазал оташ шу сўзларга бор.  
Куйлашайлик қизлар, бунча барносизлар  
Бунча тиниқ осмон, тонг беғубор*

*Шодлан, кўнгил, куйла булбул,  
Куйла булбул, куйла.  
Ёшлик гўзал, гўё ғазал,  
Нур тўла ҳаёт, қўшиқда зўр қанот ...*

Йиллар ўтди. Мен эса унинг "Анджоним", "Пахтакорлар мадҳи", Онажонлар ассалом", "Ёшлигим", "Қишлоғимдан хабар", "Устозлар", "Онажоним, меҳрибоним", "Даврага кел" каби машҳур қўшиқларини сархуш хаёллар ва ҳаяжон билан тинглашдан эринмайман. Бутун умр шу овоз, шу қўшиқлар менга ҳамроҳ. Бутун жисму жоним ва ҳаётимни забт этган улар. Гоҳида "Анджоним" ни тингласам, ўзим ҳам жўшиб куйлагим келади.

*Ҳам қўхнасан, ҳам доимо  
Ёш ҳур, навқиронсан.  
Анджоним, гўзал шаҳрим,  
Сен, жонажонсан.*

Бу дилкаш қўшиқни ҳар гал тинглаганимда, мен кўрмаган Анджоннинг кўрки, хусн-таровати, гўзал манзаралари кўз ўнгимда намоён бўларди ва яна "Куйла Санобар!", дея пичирлардим. Бу шоир О.Холдор шеъри билан ғоят жўшиб айтилган қўшиқ эди.

Санобар Раҳмонова шоирлар Анвар Исроилов ва Олимжон Холдор шеърларига мурожаат қилиши ҳам бежиз эмасди. Чунки улар шеърлари ўйноқилиги, сўзларининг равонлиги, оҳангдорлиги билан хонанда эътиборини тортарди.

"Ўзингиз қайси санъаткорлар ижодини севгансиз?" деб савол бераман, Санобар опага. У юзларида табассум билан шундай деди: "Шу саволингизни кутиб турган эдим. Ориф Алимаҳсумов, Бобомурод Ҳамдамов, Отажон Худойшукуров, Ҳожиакбар Ҳамидов, Икромжон Бўронов,



Ҳасан Ражабий, Олмаҳон Ҳайитова, Коммуна Исмоилова, Ҳабиба Охунова, Дилором Қаямова, Муҳаббат Шамаева, Ботир Зокиров, Шерали Жўраев қўшиқлари кириб бормаган ўзбек хонадони бўлмаса керак! Улар қўшиқчилик санъатининг ҳақиқий юлдузлари, десам хато бўлмас. Ҳатто чет элларда ҳам улар юракдан куйлаган дилрабо қўшиқларни севиб тинглашади. Санъатга фидойликни кўпроқ мен шуларда кўраман. Мен улардан таъсирланаман ва улар санъати олдида таъзим қиламан. Шунингдек, илгари бизда ҳинд оҳангларига, ҳинд кинофильмларига қизиқиш жуда кучли эди. Мен ҳам шу оҳанглар таъсирида ўсганман. Шу туфайли санъатга бўлган меҳрим ва завқим тобора ортаверди. Ундан кейин Ҳосила Раҳимова, Юлдуз Усмонова, Гулсанам Мамазоитова, Анвар Санаев, Озодбек Назарбеков, Зиёда Қобулова ва бошқа истеъдодли қўшиқчиларимиз бу соҳада ҳозирги даврда анча ютуқларга эришишди".

Мен хонанда сўзларини мароқ билан тингладим ва ундан бир қўшиқ айтиб беришни илтимос қилдим. Санобар опа астагина қўшиқ бошлади. Бу шоира Марҳабо Каримова қаламига мансуб "Шабнам" қўшиғи эди.

*Тонгга милтирар шабнам,  
Атиргул япроғида.  
Мендек ёнарми, ул ҳам, ул ҳам  
Ўз ёри фироқига?...*

*Қўшиқ яна қўшиққа уланди.*

*Таққан маржон шогалари,  
Ҳамма нозу - адолари...*

Яна ўтган йилларга қайтамиз. 1973 йил Андижоннинг гўзал Асака шаҳрига республикамизнинг ўша пайтдаги раҳбарлари ҳам пахта йиғим-терими ғалабаси муносабати билан уюштирилган концертда иштирок этишди.

Концертда кичкина Санобар ҳам қўшиқ куйлади ва эл назарига тушди. Кейин юқоридан "Шу қизчанинг қўшиқларини фильм-концерт қилиб кўрсатсак", дея топшириқ берилган. Шундан сўнг С. Раҳмонова устози Ғ.Рўзиев билан бирга ўнга яқин ажойиб қўшиқлар тайёрлади. Истеъдодли режиссёр Ҳожимурод Ибрагимовнинг саъй-ҳаракати билан 1973 йилда "Куйла, Санобар!" видеофильми суратга олинди ва телевидение орқали эфирга узатилди. Видеофильм халққа тезда манзур бўлиб, унинг мухлислари кўпайди. Санобар томошабинлардан кўплаб хатлар олди. Мухлислар уни юзма-юз давраларга, учрашувларга таклиф этишди. Шундан сўнг Тошкентдаги "Билимлар уйи" да уч кунлик учрашув ташкил қилинди. Бу эса ёшгина санъаткор қиз учун ниҳоятда ҳаяжонли ва унутилмас воқеа бўлди. Унинг санъатдаги ютуғи албатта, оилага ва ота-онага хурсандчилик бахш этди. Отаси Раҳмон ака ва онаси Хосият опалар чўпонлик касби билан шуғулланиш билан бирга санъатта меҳрлари баланд эди. Шу меҳнатқаш, танти оила саккиз фарзанд, яъни етти қиз ва бир ўғилни тарбиялаб вояга етказишди. Фарзандларининг ҳаммаси ҳам санъатни яхши кўрардилар. Лекин Санобарда алоҳида истеъдод гуллари барқ уриб, шу гул эрта бўй кўрсатди ва халқимизни бетакрор санъати билан сийлади.

*Осмонингга қуёш порлар,  
Нурларга консан.  
Оқ-олтиндек жавҳарларга  
Дурларга консан.*

Санобар ўқувчилик йилларида мактаб бадий ҳаваскорлик тўғарагига қатнашди ва туман, вилоят миқёсида ўтадиган "Санъат байрами" кўрик-танловларида доимий чиқиш қилди. Шунингдек, тумандаги "Машъал" бадий ҳаваскорлик ансамблида иштирок этиб, истеъдодини бойитиб борди. Сўнг у 1972 йил "Марҳабо

талантлар" телевизион кўрик-танловида конкурсдан ташқари иштирок этиб, халқ олқишга сазовор бўлди. Ўшанда бўлгуси санъаткор 5-синф ўқувчиси эди. Унинг куйлашидан ҳайратланган шоир Туроб Тўла: "Шу қизимиз конкурсда бўлганида, албатта, унга энг юқори балл берар эдик", деган эди ҳаяжон билан.

Санобар Раҳмонова яна шундай ҳикоя қилади: "Қайрағоч қишлоғи одамлари ҳам азал-азалдан санъатга ўч халқ. Дадам чорвадор бўлишига қарамай, қўшиқларни севиб тингларди. Муסיқани жуда яхши тушунар эди. Доимо ёнида кичкина транзистор радиочасидан қўшиқ тинглаб юрар эдилар. Дадамнинг онаси, яъни бувим "Алла"ни жуда қойилмақом қилиб айтганлар. Кейин биз Ҳабиба Охунованинг "Алла" қўшиғини ҳам жон қулоғимиз билан тинглар эдик. Мен Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров, Оғабек Собиров каби машҳур санъаткорларнинг ҳам санъатини жуда қадрлайман. Айниқса, Шерали Жўраев санъатига ҳам тан бераман. У санъат соҳасида жуда билимли ва кенг фикрли инсон. Навоий, Фузулий, Бобур, Оғаҳий, Нодира ва бошқа кўпгина мумтоз адабиёти вакиллариининг ғазал ва шеърларини яхши тушунади, оҳангга сола олади. Унинг қўшиқлари бир-бирини такрорламайди. Мен ўзбек қўшиқчилиқ санъати билан фахрланаман".

С.Раҳмонова ўрта мактабни 1976 йил олтин медаль билан тугатди ва ўша йили Андижон пахтачилик институтига ўқишга кирди. Шу ерда ўқиш билан бирга ижодини ҳам давом эттирди. Бу орада 1978 йил 20 июлда у оилали бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хонанда Илҳомжон Жўраевга турмушга чиқди. Каттакон оилада ўз келинлик вазифасини аъло даражада бажарди. Бу икки истеъдод эгалари санъатини бирга давом эттиришди. Ўн йил биргалиқда Андижон филармониясида меҳнат қилишди. Наманган, Бухоро, Хоразм, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Жиззах шаҳарларида сафарларда бўлдилар. Ўз қўшиқлари билан халқни хушнуд этди.

Санобар Раҳмонова бахтли хонадон бекаси, меҳрибон она. Оилада икки қиз ва икки ўғил - Исломбек, Ихлосбек, Диловар ва Мадинахонлар туғилди. Улар ота-оналарига муносиб фарзандлар бўлиб етишишди. Бугунги кунда улар турли соҳада меҳнат қилишяпти. Кейинчалик вилоят филармониялари ёпилгач, Илҳомжон Жўраев Тошкентда "Шодлик" ансамблида фаолият кўрсатди. Санобар Раҳмонова эса оилада фарзандлар тарбияси ва ижод билан шуғулланди. Орадан йиллар ўтди. Фарзандлар улғайди. Санобар Раҳмонова ижодда бир оз чекиниш бўлди. 2007 йилдан бошлаб "Ўзбекнаво" қошида Илҳомжон Жўраев, Санобар Раҳмонова ва ўғиллари Исломбек ва Ихлосбек Жўраевлар иштирокида оилавий ансамбль ташкил этилди. Уларнинг репертуари бир неча замонавий қўшиқлар билан бойиди. Катта ўғли Исломбек оилавий ансамбль иш юритувчиси. Ихлосбек эса хонанда сифатида фаолият кўрсатмоқда. У 2013 йил "Ягонамансан, муқаддас ватаним!" кўрик-танловининг республика босқичида 2-ўринни эгаллади. Санобар Раҳмонова яна қизғин ижодга қайтди. Ҳозирги вақтда Ихлосбек ота-онаси билан бирга янги-янги қўшиқлар яратиш устида изланмоқда. "Ватан" ҳақида трио, "Наврўз" ҳақида қўшиқлар, А.Орипов шеъри билан "Шукрки, оиламиз мустаҳкам" каби қўшиқлари мухлисларга тақдим этилди. Шунингдек, "Дунё", "Турналар", "Байрамлар муборак, Ўзбекистоним" дуэтлари яратилиб, қўшиқсевар халқимиз эътиборига ҳавола этилди. Шуниси қувончлики, хонанданинг набираси Ҳадаёбону ҳам бугунги кунда бувиси қўшиқларини ўрганиб уларни завқ-шавқ билан ижро этмоқда. У бурро-бурро қилиб менга ҳам қўшиқ куйлаб берди:

*Сабо келтир хабар, қишлоқларимдан,  
Безанган гулшанимдан, боғларимдан...*

Санобар опа яна қўшимча қилди: "Бешинчи синфда ўқиб юрганимда, мактабдаги устозим Н.Мирзараҳимов

менга жуда эътибор берганлар, овозимни эшитиб, жуда хурсанд бўлганлар. Биринчи марта шу киши мактаб байрамларида мени олиб чиққанлар. Шунинг учун бу азиз инсонни бир умр унута олмайман".

Санобар Раҳмонова бугунги кунда санъатда устоз ҳамдир. У ёшларга санъат соҳасида ўз билимини аямайди, улрга қўшиқлар ўргатади. Меҳрибон онажони, турмуш ўртоғи, опа-сингиллари ва фарзандлари даврасида Қайрағоч қишлоғида яшаб, меҳнат қилмоқда. Ойнаи жаҳонда "Тараннум" кўрсатуви орқали мухлисларни мамнун этди. У "Кўпроқ мақомчилар ва Консерваториянинг мақомчилиги бўлими ҳақида кўрсатувлар тайёрланса, дейман. Чунки бўлажак хонанда қизлар ҳозир мақомларни жуда маромига етказиб ижро этишмоқда. Кўриб, тинглаб жуда мамнун бўлдим" - дейди, хонанда суҳбатни яна давом эттириб.

Ҳа, эл суйган хонанда Санобар Раҳмонова бугунги кунда ҳам эл ардоғида. Унинг қўшиқлари қаерда бўлмасин, илиқ кутиб олинади. У гарчи рўзгор, оила, иш-ташвишлар билан яшасада, куйлашга вақт топади. Кўнглининг бир четида қўшиққа чексиз иштиёқ сира сўнмайди. Унинг жарангдор қўшиқлари тез-тез радио тўлқинлари орқали янграб туради.

Ана у И.Жўраев билан саҳнага кириб келди. Майин оҳанглар билан "Онажоним" қўшиғини куйламоқда:

*Гул тутай, меҳрим қўшиб ол,*

*Онажоним, меҳрибоним.*

*Изларинг ўпсин бу олам -*

*Онажоним-онажон ...*

Андижон - юқорида айтганимиздек, машҳур санъаткорлар гўшаси. Буни биз С.Раҳмонова мисолида ҳам кўраимиз. Шу қўшиқчини элга берган устоз санъаткорлар, Ўзбекистон Халқ артисти Фаттоҳхон Мамадалиев, Фуломжон Рўзибоев ва биринчи устози Носиржон Мирзараҳимовларни фахр билан тилга оламиз. Биз бундан кейин ҳам севимли хонандамиздан яна дилхуш, халқ қалбига етиб бора оладиган қўшиқлар кутиб қоламиз ва унга узоқ умр тилаймиз. Яна бир бор "Куйла, Санобар!" деймиз.

## ХОНАНДА САНОБАР РАҲМОНОВА БИЛАН СУҲБАТ

**1. Санобар опа, элга таниқли, минглаб мухлисларга эга бўлган санъаткорсиз. Йиллар орасида санъатга бироз бефарқ бўлдингиз?**

- Мен санъатни, хусусан қўшиқ айтишни севаман. Санъат — мен учун ҳаёт мазмуни. Истеъдодим, қўшиқларим муносиб баҳосини олган. Ёшлигимда Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқлари хонадонларида менинг қўшиқларимни жаранглатиб қўйишгани, "Санобар Раҳмонова чиқди", деб қўшнилар телевизор кўргани бир-бириникига чиқишлари мени ҳали ҳам ҳаяжонлантиради. Айниқса, "Куйла, Санобар!" видеофильмимни менга ҳар қадамда эслатишади.

Санъат - менинг жону дилим.

Айрим сабаблар - яъни ғаразғўйлик ва санъатни тушунмаслик, оилавий ташвишлар, бола-чақа, йилдан-йилга улғайиб, турли муаммо ва монеликларга дуч келиш ижодимда анчагина чекиниш ясади. Лекин ҳамиша қўшиқ айтишга бўлган иштиёқим сўнгани йўқ.

**2. Бир вақтлар "Марҳабо талантлар" республика ёш истеъдодлар телевизион кўрик-танлови бўларди. Уни ҳамма орзиқиб ва ҳаяжон билан томоша қиларди. Бу кўрсатув халқимизга Ўлмас Саиджонов, Дилором Соипова, Марғуба Собирова, Қобилжон Юсупов, Султонпошша Ўдаева, Матлуба Дадабоева, Шермат Файзуллаев ва ... Санобар Раҳмонова сингари ёш истеъдод соҳибларини юзага чиқарди.**

- Ҳа, "Марҳабо талантлар" ниҳоятда ажойиб кўрсатув эди. Уни янглишмасам, барча санъат шинавандалари қувонч ва ҳаяжон билан томоша қилиб баҳра оларди. Қани энди, ҳозир ҳам ана шундай телефестиваллар қайта жонланса...

"Ниҳол" ёш истеъдодлар кўрик-танловидан мамнунман. У кўплаб ажойиб санъаткор ёшларни юзага чиқарди.

**3. "Устозлар" қўшиғингиз қирқ йилдирки, "Устозлар ва мураббийлар куни"да бутун борлиқни тўлдириб жаранглайди.**

- Уни мароқ билан ижро этганман. Кузатиб тураман, у ҳар гал янграганда, ҳамманинг юзида нур, майин табассум кўраман. Устозларим Н.Мирзараҳимов, Ф.Рўзибоев, Ф.Мамадалиевларнинг менга устоз сифатида қилган меҳрибончиликлари, ёрдамларини яна бир бор ҳис қилиб, кўзимда севинч ёшлари қалқийди. Мактабда сабоқ берган устоз муаллимларимиз кўз ўнгимдан ўта бошлайди. Уларни қўмсайман.

**4. Қайси хонандаларнинг ижодини юксак баҳолайсиз?**

- Мен умуман санъатни, санъаткорларни барчасини қадрлайман. М.Узоқов, Т.Қодиров, Ф.Мамадалиев, Ҳ.Охунова, Д.Қаюмова, К.Отаниёзов, О.Ҳайитова, Б.Зокиров, Ф.Зокиров, Ҳ.Носирова, М.Сатторова, О.Алимаҳсумов, О.Отажонов, О.Собиров, О.Назарбеков ва бошқалар.

Айниқса, Шерали Жўраев санъатини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бу санъат ягона ҳайратта эга.

**5. Ҳамиша оддий ва оғир - босиқсиз....**

- Табиатим шунақа. Оилада шунақа тарбия топганман. Ҳаммага яхшилик қилишни ва яхши гапиргим келади. Навоий бобомиз ҳам бежиз айтиб ўтиб кетмаганлар:

Хуб эл билан, суҳбат тутубон  
хуб ўлғил,  
Яхшини талаб қилғил-у, матлуб  
ўлғил.  
Юмшоқ де, ҳадисингни-ю,  
маҳбуб ўлғил,  
Ширин сўз ила халққа  
марғуб ўлғил.

## **6. Оилангиз ҳам Қайрағоч қишлоғидаги ибратли оилалардан экан ...**

- Турмуш ўртоғим, хонанда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳомжон Жўраев билан мана 35 йилга яқинки, тинч ва тотув яшаб келмоқдамиз. Икки ўғил ва икки қизимиз, бир этак набираларимиз бор.

## **7. Фарзандларингизнинг санъатга муносабати?**

- Ҳозир Ихлосбек бир неча қўшиқлари билан анча танилиб қолди. Қизларим қўшиқ айтишдан кўра қўшиқ тинглашни севишади. Набирам Ҳадябонунинг жарангдор овози менинг ёшлигимдаги овозимга ўхшайди. Бўш вақтларимда унга кўп қўшиқлар ўргатгим келади. У "Сабо келтир..." деб бошланувчи қўшиғимни жуда чиройли айтмоқда.

## **8. Қайси фаслни ёқтирасиз?**

- Ҳамма фасл яхши. Айниқса, баҳор. У жуда дилбар ва гўзал фасл. Дилингиз ўз-ўзидан фараҳларга тўлади. Айни баҳор дамларида менинг ўша от чоптириб, тоғ - тошларда жўшиб куйлаган навқирон онларим ёдимга тушаверади.

## **10. Андижон, Асака – гўзал шаҳарлар. Юракдан фахрлансангиз керак?**

- Жуда-жуда. Олимжон Холдор шеъри билан айтилган "Андижоним" қўшиғини ўзингиз ҳозиргача қайта - қайта тинглар экансиз- ку! Асакани ўзингиз кўрдингиз, қандай ажойиб шаҳар! Одамлари хушмуомала, дилкаш, меҳнаткаш, шундан бўлса керак, қалбим ғурурга тўла.

## **11. Ҳозир нималар билан бандсиз?**

- Уй-рўзғор ташвишлари. Байрамларда, давраларда гоҳида қўшиқ айтишимизга тўғри келади. Шунинг учун кўпроқ шеърлар ўқийман ва қўшиқбop шеърлар танлайман. Кўпинча оилавий шеърлар ўқиймиз ва ижод қиламиз. Мен жуда бахтли хонадон бекасиман. Жонажон юртимизда яшаётган ва бахтли ҳаёт кечираётган минглаб аёллардан бириман. Менинг "Аёл" деб номланган қўшиғим мана шу масрурлик туйғулари асосида яратилган:



Табиат меҳридан қонмаган жон йўқ,  
Шу меҳр туфайли кўркемдир макон.  
Танда ҳаёт каби оқувчи қўшиқ -  
Ўшал сиз эмасми, муҳтарам АЁЛ...

## **12. Севги - муҳаббатга муносабатингиз?**

- Севги - илоҳий туйғу. Севиш - севилиш бу бахт.  
Ишқ-муҳаббатни куйламаган, мадҳ этмаган шоир,  
хонанданинг ўзи йўқ. Ишқ бор, меҳр - муҳаббат бор жойда  
яхшилик, эзгулик куртак ёзади. Ҳаётга муҳаббати ортади.  
Ҳар бир йигит-қизга Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин,  
Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раънолар севгиси насиб этсин.

**13. Сизни ижодингизни кўплаб нашрлар "Саодат",  
"Бекажон", "Қишлоқ ҳаёти", "Муштум", "Ҳордиқ"  
сингари оммавий газета ва дурналларда эълон қилишди.  
Мухлисларингиз уларни эътибор ва мамнунлик билан  
ўқишади. Ҳатто айримлари "Ҳаҳ, Санобар-а, Санобар",  
"Қуёш бўлиб порлади-я" дейишади.**

## **Мухлисларга муносабатингиз?**

Биз - санъаткорлар, аввало, халқ учун, мухлислар учун  
куйлаймиз. Санъаткор ва мухлис - булар эгизак тушунча.  
Мухлис бор экан, санъаткорнинг ижоди ўсади,  
илгарилайди. Мухлис бор экан, санъаткорда имкон,  
изланиш, интилиш, ютуқ, муваффақият бўлади. Шунинг  
учун мен мухлисларимни жуда қадрлайман. Санъаткор  
энг зўр қўшиғини яратдими- уни энг биринчи мухлисларга  
ҳавола этишга, уларни шу қўшиқ билан хушнуд этишга,  
қолаверса, ҳайратлантиришга шошади. Шунинг учун мен  
мухлисларни ўзим учун энг азиз инсонлар, деб биламан.

Санъаткорлардан тилагим, ҳеч қачон мухлисингизга  
эътиборсиз бўлманг. Сизнинг санъатингиз унинг титраб  
турган нозик ва нодир қалбини қанчалар забт этганини  
ҳис қилишини истайман. Сизнинг қўшиқларингиз ёзилган  
грампластинкалар, дисклар, видеотасмалар ва суратли  
альбомлар улар учун бир умр ноёб хазина бўлиб қолишини  
унутманг.




Рахмонали ота ва Хосият она,  
Бири ойдир, бири куёш, - парвона.



Ёшлигим, кел, куйга тўлган  
Қалбим олтин сози бўл

Санъат йўлига тушдим. 1974 йил

*Handwritten signature and the number 665.*





Ота-она изидан...



Вақт ўтганини, ҳимр чопанон.  
Ивланганли ислаб потанон...



Андижоним, гўзал шаҳрим гулларга консан





Севимли санъаткорлар “Дийдор ширин” кўрсатувида



Ихлосбекка санъат сирларини ўрганишида оиласининг ўрни катта



Андижоним, гўзал шаҳрим гулларга консан





Севимли санъаткорлар “Дийдор ширин” кўрсатувида



Ихлос билан саъятчиларини ўрганиши ва олий санъатнинг ўрни катта  
Санъатнинг сеҳридан хушнуд эл-халким



Рахмонали ота ва Хосият она,  
Бири ойдир, бири куёш, - парвона.



Ёшлигим, кел, куйга тўдган  
Қалбим олтин сўзи бўл



Саннат йўлига тушим. 1974





Ота-она изидан...



Вакт ўткинчи, умр чопагон,  
Излаганин истаб топагон...

Бир оғиз айтилган бепарво сўз билан улар дилини ранжитманг ва уларга бепарво бўлманг. Бир зумда улар қалбидаги сизга бўлган меҳр ва садоқат, камтарона ва ягона мухлислик остин-устун бўлмасин.

Мухлислар - гўзалликни, қўшиқ сеҳрини чин дилдан ҳис этувчилар.

"Гўзалликни моҳиятан англаб етган кишиларгина уни завола топмаслиги учун ҳаракат қилади", - дейди Сурхондарёлик таниқли мўйқалам соҳиби Б.Қурбонов.

Мухлис - гўзаллик ошноси. Бизнинг санъатимизни кўпроқ тинглашга келади. Уни асраб-авайлайди. Кимларгадир етказгиси келади. Севимли санъаткорининг ҳар бир қўшиғидан тортиб, суратигача, қолаверса, матбуотда гоҳ-гоҳ чиқиб турадиган мақоласигача мухлис учун мўътабардир. Уни йиллаб асраб-авайлайди. Шундай экан, биз нечун мухлисга эътиборсиз бўлишимиз керак?

**14. Яқинларингизга дилдан яқинмисиз? Улар билан тез-тез кўришиб турасизми?**

Мен айниқса опа-сингилларимни жуда қадрлайман. Биз етти қиз ва бир ўғил бирга ўсдик. Тоибяхон, Фазилатхон, Розахон, Давлатхон, Режабхон, Розияхон ва акам Худойназар Раҳмоновлар.

Мен ота-онамга қандай азиз Санобар бўлсам, қолган қизлар ҳам шундай ардоқли ва азиздир. Опа - сингилларимнинг ҳаммаси меҳнаткаш, оқкўнғил, хушмуомала ва меҳнатсевар қизлар. Бугун улар турли соҳада меҳнат қилиб оиласи билан бахтли яшаб келмоқдалар.

Айтишадик, "қиз бола - оила кўрки" деб.

Биз етти қиз бир-биримизга эш-қўш бўлиб, улғайдик. Ота-онамизга мадақкор бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилдик. Ҳамиша ота - онамизга садоқатли фарзандлар бўлдик. Акам Худайназар ҳам очиқ, кенг феълли, фидойи инсондир. У ҳам қўшиқни севади ва мазмун-моҳиятини яхши тушунади. Қўшиқ тинглаш учун жону дили. Опа-сингилларим гарчи кўп қўшиқ

куйламасалар-да, улар ҳам мусиқани жуда яхши кўришади ва берилиб тинглашади.

Адабиётимиз ва санъатимиз ривожига ҳисса қўшган ижодкорларимиз уларнинг назаридан четда қолган эмас. Шоиру ёзувчи, бахши-ю қўшиқчи, рассом-у ҳайкалтарош, созанда-ю раққоса бари-барисига қизиқишади. Ҳозирги кунда бир биримизни йўқлаб турамыз. Бир-биримизга меҳримиз баланд.

*Бегонадир меҳрсиз қариндош,  
Меҳр - ила бегона ҳам қариндош.*

Фоят топиб айтилган сўз. Меҳр ва мурувват инсонларни бир-бирига яқинлаштиради.

Ҳурматли ҳофизимиз Шерали Жўраевнинг "Оқибат" деб номланган сермазмун қўшиғини мухлислар ўйга толиб, узоқ тинглайди. Чуқур мазмун-моҳиятга эга бўлган бу қўшиқда эшитган бўлсангиз, ака-ука, опа-сингил, ёр-биродарлар ўртасидаги меҳр-оқибат, қариндошлар бирдамлиги ҳақида сўз юритилади.

*Муҳаббат сирлари пинҳон, қаро икки қароқларга,  
Эриб сувдай оқар қалбим, ўшал икки булоқларга.  
Оға - уни, опа - сингиллар тўзиб кетма, узоқларга,  
Ки, қалбим қийналар, доим кўрарман деб сўроқларга,  
Қол, эй ҳасрат сенам бизга етиб бўлмас узоқларга,  
Оёғим қонлари оқиб, қотиб қолган тузоқларга.  
Укам бўлсанг, келиб кўнглим чаманин гуллатиб қўйгил,  
Гўзалликдан, жавонликдан, сўз очиб куйлатиб қўйгил.  
Ўтиб кетган қариндошдан сўз очиб, йиғлатиб қўйгил,  
Тўлиб тур, кел қанотимсан, тўзиб кетма йироқларга.  
Ки, қалбим қийналар, доим кўрарман деб сўроқларга,  
Сенигсиз муз бўлар қалбим, очилмас гул бу боғларга.*

*Отамнинг юзларин сенга кўриб қолдим, опам, синглим,  
Онамнинг сўзларин сенга эшитгайман, опам, синглим,*

*Уларнинг меҳри гарёси оқар сенга, опам, синглим,  
Келиб ўт ёқ, қозон қайнат, отам қурган ўчоқларда,  
Келиб парвонамиз бўлгил, онам ёққан чироқларда  
Ки, қалбим қийналар, доим кўрарман деб сўроқларда...*

Биласизми, бу қўшиқни матнини мен нима учун тўлиқ келтиришга ҳаракат қилдим? Чунки унда катта ҳаётий маъно ва мазмун бор. Буни лоқайд тинглаш мумкин эмас. Ғоят маҳорат билан яратилган ва ижро этилган қўшиқ. Уни ҳар доим ҳаяжон ва чуқур хаёл билан тинглайман.

Бир ота-она меҳридан озикланиб, униб-ўсган ўғил - қизлар келажақда турли томонларга тарқаб кетади. Бир-бирини қўмсаб, соғиниб яшайди. Шунинг учун улар бир умр бир-бирларига меҳр-оқибатли, ғамхўр, ҳамжиҳат, ҳамкор бўлиб яшашлари тарафдориман.

Меҳр-оқибат бор жой обод ва фаровон, тинч ва осойишта бўлади. Аксинча, меҳр йўқ жойда таназзул макон топади. Инсонлар жабр кўради.

Меҳр-оқибат, мурувват ва садоқат нафақат оғанилар, балки оиладан бошланади. Барча одамлар орасида меҳр - оқибат доимо мустаҳкамланаверсин, деб ният қиламан.

Шу ўринда таниқли шоир Муҳаммад Юсуфнинг меҳр - оқибат ҳақидаги ўтли сатрларини ҳам эсламоқ жоиздир:

*Ўтар қанча йиллар тўзони,  
Юлдузлар кўз - ёши сомони.  
Ҳтар инсон яхши ёмони,  
Меҳр қолур, муҳаббат қолур...*

**15. Яқин йилларда сиз яна ижодга қайтингиз, қўшиқлар куйлаяпсиз? Мухлислар сизни анча соғинишган экан?**

— Ҳа, мен қўшиқчиман. Халқим билан, мухлисларим билан доимо биргаман. Жонажон Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Шундай ажойиб замонда,

шундай ажойиб, мафтункор юртда яшаётганим - мен учун яна ҳам чексиз бахтдир. Яна куйлагим келаверди.

2011 йил - "Мустақкам Оила йили"да 21-22 июнь кунлари пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги "Истиқлол" санъат саройида жонли ижрода биз оилавий дастамиз билан концерт бердик. Концертда турмуш ўртоғим Илҳом Жўраев, ўғлим Ихлос Жўраевлар билан бирга куйладик.

Қўшиқларимиз орасида "Ватан" деб номланган трио мухлисларга айниқса, маъқул бўлди ва узоқ олқишланди. Ўзим ҳам бўш қолган пайтларим гоҳида шу қўшиқни хиргойи қилиб юраман:

*Кўзларимда порлаган, Ватан,  
Меҳр-муҳаббатга ёр этган, Ватан.  
Олисларга кетсам, гул кучоғингдан  
Онам каби доим чорлаган Ватан!*

2013 йил ўғлим Ихлосбек "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик танловида фаол иштирок этди ва "Ватан" қўшиғини маҳорат билан куйлади. Томошабинлар уни мамнуният билан олқишлашди. Ихлосбек кўрик-танловнинг махсус Дипломи билан тақдирланди.

Ўзим санъаткор эмасманми, боламнинг санъат йўлидаги ютуқларидан қувондим.

Санъат-ҳамиша инсонларнинг руҳият озуғи, мадади ва дунё беагаи бўлиб яшнайверсин.

## **12. Эзгу - ниятингиз?**

- Шундай қўшиқ бир яратайки, севимли халқим яна бир бор, Ҳаяжондан "Куйла, Санобар!" дейишсин. Юртим, элим доим омон, тинч бўлишсин. Яна бир пайтлардагидек халқ қалбига етадиган қўшиқлар куйлаш эзгу тилагим

Мустақил ва жонажон юртимиз Ўзбекистон янада тараққий этиб, гуллаб-яшнайверсин. Шу мафтункор ўлка фарзанди эканлигимдан беҳад фахрланаман ва ҳамиша еримиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин дейман ...

**Санобар опа, Самимий суҳбатингиз учун Сизга узундан-узоқ ташаккур. Куйлашдан ҳеч толманг.**

*Меҳр нури ёғар доим  
Кўзингиздан устозлар.  
Юрсам дейман, бу табаррук  
Изингиздан устозлар.*

Хушовоз хонанда Санобар Раҳмоновада қўшиқ айтиши иштиёқи жуда эрта туғилди. Миттигина содда қизалоқнинг самимий куйлаши барчага бирдай ёқар ва завқ улашар эди.

Андижон вилоятида униб-ўсган бу ажойиб овоз соҳибаси ўзининг мафтункор санъати билан кимларни ҳайратлантирмади?, дейсиз? Ҳатто Андижонда бўлиб ўтган бир йиғинда у қўшиқ айтиб, ўша вақтдаги раҳбарларнинг ҳам назарларига тушган эди. Ва "Куйла, Санобар!" видеофильми телеэкранларда мухлислар талаби билан қайта-қайта намойиш этилди.

С.Раҳмонова 1959 йил 7 майда Андижон вилояти, Асака шаҳри яқинидаги Қайрағоч қишлоғида чорвадорлар оиласида дунёга келди.

Отаси Раҳмонали ака ва онаси Хосиятхон аялар - оқкўнги, содда, хокисор, меҳнаткаш инсонлар бўлиб, қишлоқда ўз обрў-эътиборига эга эди. Бу ажойиб инсонлар умр бўйи чўпонлик касби билан шуғулланиб, сурув-сурув қўй-қўзиларнинг изидан юришди. Тинмай ҳалол меҳнат қилиб, оилада саккиз нафар фарзандни вояга етказди.

Ҳикоямиз қаҳрамони хонанда С.Раҳмонова ана шу фарзандларнинг биридир. Касб тақозоси билан бутун умри дала-дашт, тоғ-тош, ариқ-сойларда ўтган Раҳмонали ака ва Хосиятхон опалар оиласи ҳар доим ҳар лаҳзада кўчманчилик қилиб яшашади ва барча қийинчиликларга тоғ каби бардошли бўлишди. Чунки отарни бир жойда қолдириб бўлмайди, унга озиқ керак. Қаерда ўт ўлан, хашак бўлса, чўпон таёғини ўша ёққа буради. Молга ўтлоқ, кенглик керак.

"Меҳнатнинг нони ҳалол" дейдилар. Андижон вилояти Улуғнор тумани ҳудудларидан бошланган серўт яйловлари Олой тоғлари этакларигача, ундан қўшни Хитой

чегараларигача чўзилган эди. Раҳмон ака оиласи билан болаларини етаклаб, чўпонлик касбига садоқатини сақлаган ҳолда ўша яйловларда тинмай меҳнат қилди. Эрта-ю кеч мол боқди ва рўзғор тебратди. Чўпонлик ҳам гоят машаққатли касб, унинг ҳам ўзига яраша оғир-енгили бор. Ёзнинг жазирама иссиқ кунлари бир қийнаса, қишнинг совуқ, изғиринли кунлари ундан - да ошади. Қиш кунларида янги туғилган қўзичоқларни совуқдан сақлаб, катта қилишни ўзи бўлмайди. Шунинг учун Раҳмон ака хонадонидида қишда қўзичоқлар ҳам болалар билан бирга бўлар, ҳатто бирга ётишар эди. На чора? Қишнинг қаҳратон совуғи, қўзичоқларни нима бўлганда ҳам совуқдан эсон-омон олиб чиқиш керак. Битгаси нобуд бўлса, чўпоннинг ичи ачийди. Қўзичоқларнинг чиройлилиги, дикир-дикир ўйнашлари, жарангдор овозда маърашлари болаларга ўзгача бир қувонч ва шўхлик, шунингдек завқ-шавқ бахш этарди.

Шу тариқа оила тонгдан тунгача қўй-қўзилар билан овора бўлар, тонг отар-отмас қўйлар суруви ўтлоққа ҳайдалар эди. Шу муҳитда ўсаётган оғир, босиқ, камгап Санобар алоҳида ҳайрат билан қўзичоқлар овозига қулоқ тутар ва бир зум ҳаёлга чўмар эди.

"Вой- вой, мунча жарангдор буларни овози? Яна тип - тиниқ, кўнғироқдай ва кучли. Жажжи қизалоқ қўзичоқлар маъраганида қизиқиб, уларнинг томоғига қарагиси келаверар ва меҳр билан томоғини силар эди.

Бу ҳайрат кундан-кунга ортаверди. У аста-аста яширин қўшиқлар куйлай бошлади. Чунки отасининг кичик радиосидан таралган дилрабо ўзбек халқ қўшиқлари кун сайин Санобарнинг кўнглини ром этар, сеҳрли оҳанглар алақачон унинг қалбини ўғирлаган эди. Опа-сингиллари билан хурсандчилик қилиб, қувлашмачоқ ўйнаганида, унинг чиройди, шўх кулгуси алоҳида жаранглаб қоларди, гоҳида. Бу пайтларда у отасининг "Альпинист" радиосини тинмай тинглашдан эринмасди. Ҳабиба Охунованинг "Алла", "Найнинг навосига", Ҳалима Носированинг "Ўзбек қизиман". Дилором Қаюмованинг "Уч дугона" қўшиқларини эшитиб қолса, улар билан баралла куйлайдиган бўлди:

Алла айтай, жоним болам,  
Қулоқ солгин, алла.  
Ширин аллам тинглаб,  
Ором олгин, алла ...

Истиқболинг порлиқ сенинг,  
Жажжигинам, алла- ё.  
Бахтимга сен, катта бўлгин  
Кўрар кўзим, алла - ё.

Ҳабиба Охунованинг бу ўлмас қўшиғини Санобар тез орада ўрганиб олди ва мароқ билан ижро эта бошлади. Унинг ёқимли овози алақачон теваарак-атроф, яъни қир-адир, тоғ-тошларни забт этиб, жўшқин, шарқироқ жилғача айланган эди. Унинг янгроқ ва шиддатли овозига бутун тоғ-тошлар акс-садо бериб, беғубор қизалоқни ич-ичидан севинтирар эди.

Чўпонлик касби туфайли Санобарлар оиласи ҳар жойда юрганлиги сабабли, Санобар 10 йиллик таътилда 10 та мактабни тугатди. Фақат ҳамма фанлардан аъло баҳоларда ўқиб, олтин медалга ҳам лойиқ, деб топилди. Ушанда жуда кичиклигидан қўшиқ айтишга иштиёқи баланд ўқувчи қиз ҳали бирорта чолғу асбобини кўрмаган ва танимас эди. Доира, рубоб, дутор, тор каби асбобларни гоҳида қишлоқ тўйларида кўриб қоларди, холос.

Кунлардан бир кун 5-синф ўқувчиси Санобар мусиқа ўқитувчиси ва илк устози Носиржон Мирзараҳимовнинг қўлида рубобни кўриб анграйиб қолган ва уни ушлаб кўргиси келаверган. Сўнг Носиржон акадан аста тортиниби, уялинқираб рубобни сўраган.

Шунда Носиржон ака: "Сен нима қиласан бунини, сенга нима керак?"- деганларида, ёш қиз юрак ҳовучлаб: "Чалиб турсангиз, қўшиқ айтиб бераман" деган.

Синфдошлари эса унинг гапига кулишган. Носиржон ака эса, болалар кулгисига эътибор бермай, Санобардан сўради:

- Сен қўшиқ биласанми?



- Ҳа, - деди Санобар бошини зўрға қимирлатиб..
- Қани айт-чи, қандай қўшиқлар биласан?
- "Уч дугона"ни биламан.
- Ие, зўр-ку, қани бошладик унда, -деди Носиржон ака ва рубоб торларини созлай бошлади.

Кейин устоз рубобни баландроқ чалиб, Санобарга "айт" ишорасини қилди. Ҳам ҳаяжон, ҳам қўрқув ва ҳижолатдан сал довдираб турган кўхликкина қизча аввал паст овозда куйлай бошлади:

*Сирдарёнинг бўйларида уйлариингиз ...  
Оқаришиб кўринади бўйлариингиз.  
Уч дугона, уч моҳирўй, уч пахтакор-эй,  
Уч галамиз таровати, уч сарвиноз-эй ...*

Овози сал секин чиқаётган Санобарга устози яна "айт, айтавер" деб далда берди. Шундан сўнг бутун синфхонада ажойиб овоз, ажойиб қўшиқ янгради. Санобар бутун маҳорати ва истеъдоди билан қўшиқ куйлади. Бу орада синфхона сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолди. Ҳамманинг нигоҳи қўшиқчи қизда эди. Ниҳоят, қўшиқ поёнига етди. Рубоб ҳам тинди. Ҳамма жим. Санобар қўшиқдан кейин синфхонага қараса, хона ўқитувчи ва ўқувчи, ишчи-ходимлар билан тўла. Ҳатто деразадан ҳам унга қизиқсиниб қараганлар қанча. ҳамма ҳайратда. Санобар бир зум қўрқув ичида қолди.

Кейин, кейин эса бирдан "Яша, яшавор қизим, қойил, офарин, яхши овозинг бор экан", деган овозлар янгради.

Қўшиқни жон қулоғи билан тинглаган мактаб директори Мўътабар опа Полвонова ҳам кутилмаган ҳаяжондан: "Баракалла қизим, баракалла!", дея унинг пешонасидан ўпди, сочларини силади. "Қўшиқчи қизалоғим" деб эркалади.

Синфхонада "Вай, мунча зўр айтди, овозини чиройлигини, кичкина бўлса ҳам қотирди-я, катта бўлса, зўр артист бўлади", - деган гаплар бўлиб турди. Ўша куни кўпчилик Санобарни эркалаб, елкаларига қоқиб қўйди.

Носиржон ака эса студди тек қотган қўлаарида рубобни туғанича, Санобарга меҳр билан тикилиб қолган. Чунки Санобарнинг ноёб истеъдоди Носиржон ака қалабида қўшиққа нисбатан яна бир бор илиқлик ва иштиёқ, таниқ-шавқ уйғотган эди. Ўшанда ҳагто Носиржон аканинг кўзларидан ҳайрат ва ҳаяжон ёшлари ҳам йилтираб тушди.

Буни кўриб жажжи Санобар ҳам йирлаб юборди.

Шу-шу санъатни чин дилдан севадиган ва тушунадиган устоз мураббий Н.Мирзараҳимов Санобарга устоз бўлиб қолди. У Санобарнинг истеъдоди билан жиддий шуғулланиб, янги-янги қўшиқлар ўргата бошлади. Носиржон ака тайёрлаган "Андижоним" қўшиғи бутун республикада буйлаб янгради. У Санобар Раҳмонованинг энг сеvimли ва машҳур қўшиқларидан бирига айланди.

*Оқ-олтиндан тоғ яратган*

*Улкан карвонсан.*

*Ўлкамизнинг обрўйсан*

*Ҳам паҳлавонсан.*

*Ҳам кўҳнасан, ҳам доимо*

*Ёш ва навқиронсан...*



## ЁШЛИГИМ

Ёшлигим кел, куйга тўлган,  
Қалбим олтин сози бўл.  
Мен қўшиқ айтай, тўлиб бир  
Лаҳза жўр овози бўл.

Дилга оқсин бахтли умрим,  
Куй бўлиб, оҳанг бўлиб.  
Сен унинг оромижони  
"Гулёр"у "Шаҳноз"и бўл.

Орзу истақдан кул шодон,  
Дилга боғлабсан қанот.  
Бу тилак осмонин доим  
Энг баланд парвози бўл.

Ёшлигим сен, менга берган  
Куч - ғуруринг, ғайратинг.  
Халқу юртга бахш этолсам,  
Шунда меңдан рози бўл.

## ОНАЖОНЛАР АССАЛОМ

Бизни меҳр билан сийлаган  
Бахтимиздан ёниб сўйлаган,  
Бизни фақат, бизни ўйлаган  
Онажонлар ассалом.

Меҳнат билан ойдин йўлингиз,  
Ишда толмас, олтин қўлингиз.  
Доим шундай чевар бўлингиз,  
Опажонлар ассалом.

Тенгдошларим, дугонажонлар,  
Қамол топинг, эй жонажонлар,  
Ўлкамизда отар оқ тонлар,  
Ўртоқжонлар ассалом.

Бизни меҳр билан сийлаган  
Бахтимиздан ёниб сўйлаган,  
Бизни фақат, бизни ўйлаган  
Онажонлар ассалом.

### **ЁР - ЁР (О.Холдор)**

Давраимизга қуёш порлар,  
Нурлар тараб ёр-ёр.  
Қўшиқ айтинг, йигит - қизлар,  
Бугун байрам ёр-ёр.

Қўшиқ айтган ҳар юракнинг,  
Ўти бордир ёр-ёр.  
Давраимизга қўшилганлар  
Бахтиёрдир ёр-ёр.

Шундай кунда қўшиқ айтсак,  
Ярашади ёр-ёр.  
Бизга дўстлар ҳавас билан,  
Қарашади ёр-ёр.

Қўшиғимиз кенг жаҳонни,  
Қуршаб олсин ёр-ёр.  
Давраимизга қўшилганлар  
Бахтиёрдир ёр-ёр.

## ДАВРАГА КЕЛ

Гул атрини таратар  
Чаманда гул.  
Даврага кел, дугонажон  
Даврага кел.

Юртда шодлик, байрам бўлсин,  
Меҳмон кутиб, қўнгиш тўлсин.  
Байрам бугун, қувон дил,  
Даврага кел, дугонажон  
Даврага кел.  
Гул сайлидир, боғларда  
Наврўз сайли,  
Барчамиз жам бўлишдик  
Гул туфайли.

Хизматларга астойдил  
Боғланди бел, дугонажон,  
Даврага кел дугонажон  
Даврага кел.

## ҚИШЛОҒИМДАН ХАБАР

Сабо, келтир хабар, қишлоқларимдан.  
Безанган гулшанимдан, боғларимдан.  
Қўзимга сурма бўлсин, гарди поки,  
Мени ўстирган ул қишлоқларимдан.  
Ҳаволи сайлигоҳим, катта яйлов.  
Буюк сур кўкраги, кенг тоғларимдан.

Тиниқ сувлар лабида сабза узра,  
Ичилган соф қимиз қаймоқларимдан.  
Хусусан, дилкаш-у, она-табиат.  
Қадрдон дўстларим, ўртоқларимдан.  
Боқиб гулга Ҳабибий, кўз тутарман,  
Сабо, келтир хабар, қишлоқларимдан.  
Безанган гулшанимдан, боғларимдан.

## АНДИЖОНИМ (Ғ.Рўзибов)

Андижоним, гўзал шаҳрим  
Гулларга консан.  
Шўх йигитлар, барно қизлар  
Ҳурларга консан.

Осмонингда қуёш порлар  
Нурларга консан.  
Оқ-олтиндек жавҳарларга  
Дурларга консан.

Оқ-олтиндан тоғ яратган  
Улкан карвонсан.  
Ҳлкамизнинг обрўйсан  
Ҳам паҳлавонсан.

Ҳам қўҳнасан, ҳам доимо  
Ёш ҳур, навқиронсан.  
Андижоним, гўзал шаҳрим,  
Сен, жонажонсан.

Андижоним, гўзал шаҳрим  
Гулларга консан.

## УСТОЗЛАР (П.Мўмин)

Меҳр нури ёғар доим  
Қўзингиздан устозлар.  
Юрсам дейман, бу табаррук  
Изингиздан устозлар.

Чин инсонлик китобига  
Бахту ҳикмат битибсиз.  
Одоб ила билим олдим  
Ўзингиздан устозлар.

Қалбингизнинг йўғи-бори  
Меҳрибонсиз шунчалар.  
Қуёш олмиш ҳароратин  
Юзингиздан устозлар.

Фан боғининг боғбонисиз  
Чароғбонсиз кўнгилга.  
Минг эҳтиром ўғлингиздан  
Қизингиздан, устозлар.

Жой олдингиз бир умрга  
Шогирд юрак тўридан.  
Мўмин ҳаёт дарсин ўқир  
Ўзингиздан устозлар.

### **Хонанда Санобар Раҳмоновага**

Андижон анҳори, айвонида ул,  
Наволар бағрида, жавлонида ул.  
Ҳавони тўлдириб куйлайди ҳамон,  
Қўшиқнинг мастона карвонида ул.

Давралар кўрклидир, файзи ўзгача,  
Ҳаётнинг нашъаси, завқи бошқача.  
Шу нафас сеҳридан бутун борлиқ жим,  
Ҳайрона тинглаймиз, туну тонггача.

Бир овоз, беморга гўё малҳамдир,  
Бир овоз, руҳимиз баланд, шахдамдир.  
Бир овоз, баҳордай, гул каби яшнар,  
Бир овоз, андалиб унга жўр бўлар.

Санъатнинг излари ҳамиша ёрқин,  
Ҳамиша шиддаткор, ранго - ранг тўлқин.  
Жисмимиз, жонимиз унга ҳамоҳанг,  
Шу санъат сеҳридан хушнуд эл-халқим.

## ХОНАНДА ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ САНАЛАР

1. Санобар Раҳмонова 1959 йил 7 майда Андижон вилояти, Асака шаҳри яқинидаги Қайрағоч қишлоғида чорвадорлар оиласида дунёга келди.

2. 1973 йил "Куйла, Санобар" видеофильми суратга олинди.

3. 1974 йил 1 январ куни "Куйла, Санобар" видеофильми Ўзбекистон телевидениесида намоиш этилди.

4. 1976 йил Санобар Раҳмонова ўрта мактабни олтин медал билан тугатди ва Андижон пахтачилик институтига ўқишга кирди.

5. 1978 йил 20 июлда Санобар Раҳмонова хонанда Илхом Жўраев билан турмуш қурди. Шу йили у Андижон Давлат филармониясига ишга кирди.

6. 2007 йил "Ўзбекнаво" бирлашмаси қошида уларнинг оилавий ансамбли ташкил этилди.

7. 2011 йил июль ойида Тошкентда "Истиқлол" санъат саройида "Ватаним" деб номланган концерт ташкил этилди ва Жўраевлар оилавий ансамблининг чиқишлари муваффақият билан ўтди.



**Адабий – оммабоп нашр**

**Зебунисо Бўриева**

**БИЗНИ СОФИНТИРГАН  
САНОБАР**

Муҳаррир: Б.Рустамова  
Техник муҳаррир: Д. Каримова  
Саҳифаловчи: Д.Муродова

Нашриёт лицензияси II № 193. 10. 05. 2011 йил

Босишга руҳсат этилди 14 .09.2014 й.

Бичими 60x84 1/16

Офсет қоғози. Ризограф усулда. Тимес гарнитураси.

Шартли босма табағи 2.25 Нашр. ҳисоб табағи 2,09.

Адади 100, буюртма № 01-5

"ZAMON POLIGRAF" ОК матбаа бўлимида  
чоп этилди

Манзил: Тошкент, Юнусобод,. Б.Тиллаев 45.



Зебунисо Бўриева Сурхондарё вилояти,  
Шеробод туманида туғилган.

Тошкент Давлат Миллий Университети  
филология факультетини тамомлаган.

Даставвал шу тумандаги 12-умумтаълим  
мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Ҳозирда туман  
ХТМФМТ ва ташкил этиш бўлими услубчиси  
лавозимида ишлаб келмоқда.

У журналистика соҳасида ҳам кенг фаолият  
олиб бориб, юздан ортиқ мақолаларни  
республикамизнинг турли матбуот саҳифаларида  
эълон қилинган.



ISBN 978-9943-437-24-1

